

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг моддий таъминотини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатимизда кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг самарали тизимини шакллантириш, Ватан обрў-этиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга фаол қатнашаётган

қарияларни эъзозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган фахрийларнинг моддий таъминотини янада кучайтириш мақсадида:

1. 2021 йил 10 майдан бошлаб 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концла-

герларининг вояга етмаган собиқ махбуслари ва Ленинград шахри қамал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инobatга олган ҳолда – 2,5 миллион сўм этиб белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-

харажатлар Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларга

ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақдир қиритсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 11 май

Худудларда

Хоразмлик ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланади



Урганчда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Хоразм вилояти кенгаши қошидаги «Кўмак» тарғибот гуруҳи аъзолари билан очик мулоқот бўлиб ўтди.

Айни пайтда хоразмлик партия аъзоларининг 11 минг 571 нафарини ёшлар ташкил этмоқда. Худудий партия ташкилоти «Ёшлар қаноти» қошидаги «Кўмак» тарғибот гуруҳи эса ўз сафига 300 нафар иқтидорли ёшларни бирлаштирган.

Маҳмуд Замахшарий номидаги вилоят ахборот кутубхонасида ташкил этилган мулоқотда Марказий кенгаш раиси ўринбосари Миродил Абдурахмонов гуруҳ аъзолари билан учрашиб, мамлакатимизда ёшлар сиёсатининг энг муҳим йўналишлари, партиянинг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида ёшларга доир вазифалар ҳамда партиявий лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида атрафлича маълумотлар берди.

Тадбирда ёшлар ҳам бир қатор тақлиф ва ташаббусларни илгари сурдилар. Хусусан, олий таълим тизимида эътибор қартилиши лозим бўлган жиҳатлар, IT-мутахассиси бўлиш, тадбир-

эканини, Дилдора Қўшназарова эса нурунийларга кўмаклашувчи 30 нафар кўнгилли ёшлардан иборат «Маржонқуш»ни нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида рўйхатдан ўтказишни режалаштираётганини маълум қилди. Д.Қўшназарованинг таъкидлашича, кўнгилли ёшлар жамоаси боқувчиси йўқ қарияларга беғараз ёрдам бериш, доимий равишда уларнинг ҳолидан хабар олиш билан шуғулланади.

Урганч давлат университетининг Тарих факультети талабаси Зафарбек Хайитбоев эса Президент Шавкат Мирзиёевнинг чет тилларни ўқитиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларига доир маърузасидан келиб чиқиб, партия қошида «Тил маркази»ни ташкил этиш ҳамда бу ерда партиянинг ёш аъзоларига имтиёзлар бериш кераклигини таъкидлади.

Талабалар Раҳима Аманбаева ҳамда Дилнура Раҳмановалар эса ўз шеърларидан ўқиб бердилар.

Учрашувда партия сафига кириш истагини билдирган бир гуруҳ ёшларга партия гувоҳномалари ҳам топширилди.

«Қуруқ қошиқ оғиз йиртар» деганларидек, партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Миродил Абдурахмонов Марказий кенгаш томонидан Дилдора Қўшназарованинг «Маржонқуш» нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказишга ёрдам берилишини, Зафарбек Хайитбоевнинг «Тил марказини» ташкил этишда молиявий кўмак кўрсатилиши ҳамда ёш шоирлар – Раҳима Аманбаева ва Дилнура Раҳмановаларнинг шеърларини китоб ҳолида чоп этишда амалий ёрдам кўрсатилишини маълум қилди.

Шаҳруза МАТЯҚУБОВА,
Шавкат РЎЗМЕТОВ,
Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Хоразм вилояти кенгаши мутахассислари



корликда муваффақият қозониш билан боғлиқ муаммолар ҳақида гапирдилар.

Учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги «Ёшлар парламенти» аъзоси Сирожбек Рўзимов ёшларга кредитлар ажратишда имтиёзлар бериш лозимлигини таъкидлаган бўлса, Урганч давлат университети Педагогика факультети талабаси Розия Худайберганова фаол тенгдошлари билан «Лидер» ёшлар ассоциациясини тузмоқчи

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири Баҳодир Қурбонов, Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоева ва Бухоро вилояти ҳоқими Ботир Зариповлар диққатига!



«ЎЛИБ ТИРИЛГАН»

аттаронлик қаҳрамоннинг ёрқин хотираси тикланиши шарт!

Сталинград мудофаасида иштирок этиб, жанглардаги жасорати учун совет иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган Камол Пўлатов урушдан тирик қайтганига бир неча бор пушаймонлар қилган бўлса не ажаб...

Бухоро вилоятининг Ромитан тумани, Аттарон қишлоғидан 1939 йили ҳарбий хизматга чақирилган Камол 1941 йили она юртига қайтиб, ёшларга ҳарбий таълимдан дарс бера бошлади. Уруш бошлангач, кўнгиллилардан бўлиб фронтга кетди.

У кавалерия дивизияси ҳимоячиси сифатида Сталинград учун кечган оғир жангларнинг бирида немис танкларидан бир нечасини ёндириб, гранаталар боғламаси билан ўзини кейинги танк остига ташлайди...

Сталинград остонасида кўрсатган жасорати учун Камол Пўлатовга 1943 йилнинг 21 апрелида Олий Совет Президиумининг Фармони билан совет иттифоқи Қаҳрамони унвони берилади. Уни тақдирлаш варақасида қуйидаги сўзлар ёзилган эди: «... унинг батареясига душманнинг 36 танки уч томондан ҳужум қилиши натижасида нобуд бўлган бўлинма таркибида Пўлатов бир ўзи сунги лаҳзагача курашиб, танк ҳужумини қайтариш ва артилерия қуролини асраш мақсадида гранаталар боғламаси билан танк остига ўзини ташлаб, қаҳрамонларча ҳалок бўлди».

Камол Пўлатовнинг қариндошларига сўнги жанг ва аскарнинг дафн маросими тасвирланган мактуб етказилади. Шундан кейин Қаҳрамоннинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида у туғилиб ўсган Лағлақа қишлоғига Камол Пўлатов номи берилди.

Тақдирнинг қалтислигини қарангки, К.Пўлатов вафот этмаган, оғир яраланиб, асирга тушган экан. Гарчи уруш тугаганидан кейин уйига қайтиб, қариндошларини қувонтирган бўлса-да, кимларнидир чуқур уйга толдиргани ҳам бор гап экан. Уз она юртида фашистлар концлагери ва НКВД текширувларида қийналганидан баттарроқ хор бўлди. Ҳатто баъзи қариндошлари ундан юз ўгирдилар ҳам.

Оқланган Камол Пўлатовга барибир ишонимдади. Советлар давридаги кўрқув, шунингдек, давом этаётган қатағонлар сабабли Бухоро вилояти ижроия қўмитаси 1946 йилнинг сентябрь ойида Олий Совет Президиумига 1943 йил 2 апрелдаги Фармонни бекор қилишни сўраб илтимоснома киритади ва унинг номига қўйилган объектлар номини ўзгартиришга рухсат сўрайди.

Камол Пўлатов тақдирланган ҳукумат мукофотлари (21.04.1943 йил Ленин ордени билан тақдирланган, медал берилмаган)дан фақатгина совет иттифоқи Қаҳрамони қисмида «... муносабати билан» деган ёзув билан Фармон 1947

йилнинг 14 октябрида бекор қилинади. Жангларда олдинги сафда бўлишга интилган мард инсон, бир қатор медаллар билан тақдирланган кишига бундай муносабат ўз таъсирини кўрсатмай қўймади. Табиатан чўрткесар ва мағрур қаҳрамон – Камол Пўлатов унга бўлган адолатсизликлар натижасида оиласи билан Пешкў туманига кўчиб кетади. Кўп ўтмай унинг ўғли ва хотини оғир хасталик сабаб дунёдан ўтиб, янада ёлғизланиб қолади. Ромитанлик Қаҳрамоннинг ўзи 1951 йили 33 ёшида армон ва аламлар билан бу дунёни тарк этади...

Бугунгача ҳам Камол Пўлатовнинг ана шундай аянчли қисмати барчани, айниқса, ромитанликларни ларзага солмоқда, десак хато бўлмайди. Шунинг қайд этиш жоизки, бугунга келиб, оғир жангларда жасорат кўрсатиб, юксак қаҳрамонлик кўрсатган ва кейинчалик унутиб юборилган Камол Пўлатовнинг хотирасини тиклаш вақти келди. Бу эса Камол Пўлатов ва унга қисматдош инсонларнинг руҳларини шод этишга хизмат қилади.

Қаҳрамоннинг шаънини тиклаш масаласи бундан йигирма йил аввал ҳам кўтарилган экан. Лекин номаълум сабаблар билан тўхтаб қолган. Ҳозирги пайтда «Миллий тикланиш» демократик партияси туман кенгаши ва депутатлик гуруҳимиз билан республика ва вилоят архивларидан Камол Пўлатов билан боғлиқ маълумотларни тўпладик. Ҳатто Россиядаги архив идораларига ҳам мурожаат қилиб, айрим маълумотларни олдик. Вилоятимиздаги тарихчи олимлар, ёзувчи шоирлар билан гаплашдик, 90-йилларда чоп этилган газета ва журналларни кўздан кечирдик.

Россия архиви маълумотлари билан танишиш жараёнида бир жиҳат эътиборимизни тортди. Маълум бўлишича, 1947 йилнинг 14 октябрида бекор қилинган фармонга айрим россияликлар муносабат билдириб, уни адолатсиз қарор деб аташган экан.

Афсусланарлиси шундаки, фақат ўзимизникилар ушбу Фармонни олқишлаганлар. Улар орасида Камол Пўлатовнинг яқинлари ҳам бор эди.

Хуллас, ромитонлик қаҳрамон ҳақида етарлича маълумотлар тўпладик. Энди бор ҳужжатларни тегишли идораларга тақдим қилмоқчимиз. Агар бу масала вилоятимизда ҳал бўлмаса, Олий Мажлис Сенати даражасига чиқмоқчимиз.




Фуркат ҲАКИМОВ,
халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши депутати

Келгуси сонларда:

1971 йили ЮНЕСКО қошидаги Халқаро Муסיқа кенгаши томонидан совет иттифоқининг миллий муסיқа соҳасидаги сиёсати қаттиқ танқид қилиниб, унда сунъий тарзда руслаштиришга уринилаётгани таъкидланган эди.

Ўзбекистон санъат арбоби
Отаназар Матёқубов





«ТИББИЁТ БРИГАДАЛАРИ»ГА ЙЎЛ ОЧАМИЗ

Инсоният бошига коронавирус деган иллат жиддий хавф солиб турган бир пайтда Президентимизнинг «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги Фармони соҳа ходимларининг оғир меҳнати рағбатлантиришга кенг имкониятлар яратди, дейиш мумкин.

«Инсониятга иймондан кейин саломатликдан кўра яхшироқ неъмат берилмаган!» дея таъкидланади ҳадиси шарифларда. Ҳақиқатан ҳам шундай. Айниқса, шу кунларда саломатлик, унинг қадрини ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ҳис қиляпмиз. Кўзга кўринмас вирус дунё бўйлаб тарқалиб, инсониятни оёққа қалқитди, хушёрликка чорлади. Инсон саломатлигининг чинакам побосни ҳисобланган шифокорлар меҳнатига бўлган эҳтиёжни ошириб юборди.

Уларнинг малака талаблари, вазифалари, ваколатлари, жавобгарлиги, ихтисослиги йўналишлари кенгайтирилади. Лавозимлари, ўқув дастур ва режаларини тўлиқ қайта кўриб чиққан ҳолда, ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш, малакасини ошириш тизими такомиллаштирилади.

2021 йил 1 июндан бошлаб ҳамширалик иши ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатига киритилди ва фармонда уларга қўйилган талаблар белгиланди. Нодавлат тиббиёт ташкилотлари фаолият турлари янада кенгайтирилади. 2021 йил 1 ноябрга қадар бепул тиббий ёрдам олиш ҳуқуқини берувчи ордер бериш тизими ахборот технологияларини қўллаган ҳолда жорий этиладиган бўлди. Бунда эҳтиёжманд оилалар «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида мувофиқ аниқланади. Шунингдек, фармонда Иқтидорли ва малакали

путатлик назоратига оламыш. Албатта, фармоннинг аҳамияти ва муҳим жиҳатлари ҳақида узоқ гапириш мумкин. Лекин шу ўринда барчамиз бир ҳақиқатни англамоғимиз лозим. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таснифича, инсон саломатлигининг 10-15 фоизи экология, 10-15 фоизи генетика, 10-12 фоизи тиббиёт тизими даражаси, қолган 55-60 фоизи эса турмуш тарзига боғлиқдир. Демак, соғлиқимиз учун аввало ўзимиз қайғуришимиз лозим. Яъни, тўғри овқатлансак, жисмоний фаол, зарарли одатлардан холи, кун тартибимизни тўғри ташкил қила оلسакгина соғлом бўламиз. Акс ҳолда, барча саъй-ҳаракатларимиз самарасиз якунланаверади.

Жуманазар АТОЖОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси

Қарши шахрида ичимлик суви тармоқларида юз бераётган носозликлар оилаб бартараф этилмасдан қолиши одатий ҳолга айланди. Бу эса, энг аввало, аҳоли норозилиги ва жуда катта миқдордаги тоза ичимлик сувининг исроф бўлишига сабаб бўлмоқда.

ҚАЧОНГАЧА ЎЗИНГИЗ ХОН, КЎЛАНКАНГИЗ МАЙДОН БЎЛАДИ?

Масъуллар эса буни билмайдилар ёки билсалар ҳам ўзларини билмагандек туттишмоқда. Қачонки, жамоатчилик мавжуд ҳолатга эътироз билдирсагина, бирон чора кўриш ҳаракатига тушадилар. Бу эса ичимлик сувида фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси фаолиятининг қониқарсиз эканидан далолатдир.

кўлланилади. Нима учун авария ҳолатларини ўз вақтида ва тезкор бартараф этиш чораларини кўрмаган масъулларга нисбатан қатъий чоралар кўрилмайди, аксинча иш ҳақи эса ўз вақтида тўланаверади. Балки шунинг учун ҳам Қаршидаги масъуллар ўзлари хон, кўланкалари майдондир.

Фарҳод ЗАЙНИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси

Ташаббус

«Инқилобий қарор»


Ижросини таъминлашда четда турмаймиз

«Ҳар бир ёшга бир гектар» лойиҳасини амалга оширишда депутатлар ҳам четда турмаяптилар. Хусусан, Қуйи Чирчиқ туманининг 24-округидан сайланган депутат Рустам Пайзиев ўз фермер хўжалиги ҳудудидан 30 ёшга тўлмаган 23 нафар ёшнинг ҳар бирига 20 сотихдан, жами 5 гектар ер майдонини ажратиб берди.

қилиш тартиби ҳақида гапириб, ҳар 10 гектар экиладиган ернинг 1 гектарини ёшларга ажратиш бўйича кўрсатмалар берилган эди. Албатта, бу хайрли ишлар аввало ёшларнинг бандлигини таъминлаш, қолаверса, халқимиз турмуш тарзини яхшилаш ҳамда мамлакатимиз иқтисодийни юксалтиришга қаратилган, – дейди Рустам Пайзиев. – Бас шундай экан, бу борада биронтамининг четда туришга ҳаққимиз йўқ.

Ирода ЮСУПОВА, «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши бош мутахассиси

Эътироз



Тошкент ИИББ учун тарихий мероснинг бир чақалик аҳамияти йўқми?

Мингўрик археология ёдгорлиги ёнида Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг Маънавият ва маърифат маркази биноси қурилиши бошлангани ҳақида хабар тарқалган, ижтимоий тармоқларда унга қарши фикрлар билдирила бошланди.

Маълумки, VIII-IX асрларга тегишли бўлган Мингўрик ёдгорлиги мамлакатимиз тарихи ва маданияти учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган моддий маданий мерос объекти ҳисобланади. Мингўрик бундан минг йиллар бурун яраган аждодларимиз ҳаёти, турмуш тарзи ҳақида муълумот берадиган ўзига хос тарихий маскан ҳамдир. Шу маънода, ушбу объект атрофидаги ҳар қандай ҳаракатлар тегишли ҳуқуқий асослар, яъни Ўзбекистон Республикасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун талаблари асосида амалга оширилиши лозим.

ишлари олиб борилиши тарихий меросга жиддий зиён етказиши мумкин. Ана шундай эътирозли муносабатлардан кейин бир гуруҳ депутатларимиз масалани жойига бориб ўргандилар. Натижада Мингўрик археология ёдгорлигининг муҳофаза ҳудудида Маданий мерос департаменти ва унинг ҳудудий бошқармасидан рухсат олинмасдан қурилиш ишлари бошлаб юборилгани маълум бўлди.

табiiй ландшафт теғралари белгилаб қўйилганлигини эътиборсиз қолдирмаслик лозим. Қуриладиган бино тарихий ёдгорлик билан умумий ансамбл кўринишида уйғунлик касб этади. Мингўрик объектини ЮНЕСКО моддий маданий мерос объекти рўйхатига киритилиши режалаштирилганда муаммолар келтириб чиқармайди, деган саволларга эса етти бор ўйлаб жавоб қайтарилиши лозим.

Тарих



Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев италиялик машҳур продюсер, Festi Group компанияси раҳбари Валерио Фести билан учрашди.

Пойтахтимизнинг қадимий 12 дарвозаси тикланади

Учрашувда қайд этилишича, пойтахтимизнинг қадимий 12 та дарвозасини тиклаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Узаро мулоқот давомида Тошкентда юртимиз тарихи, аждодларимизнинг бой маънавий мероси ҳамда халқимизга хос урф-одат ва қадриятлар мужассам этилган, мамлакатимиз меҳмонларига миллийлигимизни тарғиб этувчи фестивалларни ташкил этиш, шаҳримизнинг турли ҳудудларига ўша жойнинг тарихидан келиб чиққан ҳолда рангли ва чироқли инсталляцияларни жойлаштириш, пойтахтимизни сайёҳларга янада мафтункор ва жизбадор қилиб кўрсатиш масалалари муҳокама этилди.

меҳмонларига санъат даражасида тақдим этиш муҳимлигига эътибор қаратди. Сўхбат давомида Валерио Фести Тошкент шаҳар ҳокимига шаҳарни бадиий безаш, турли шоу ва фестивалларни ўтказиш бўйича бир неча лойиҳа намуналарини кўрсатди. Ж. Ортиқхўжаев меҳмонларга шаҳарни айланиб, халқнинг маданияти ва турмуш тарзи билан атрофлича танишиш ва шунга кўра Тошкент учун махсус лойиҳаларни тақдим этишини таклиф қилди. Шунингдек, учрашувда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллик тантаналарини байрамона ўтказишда Festi Group тажрибасидан фойдаланиш масаласига эътибор қаратилди. Бу борада ҳам хорижий мутахассислар ўз лойиҳа ва таклифларини тақдим этади. Агар Festi Group лойиҳалари тасдиқланса, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва компания ўртасида шартнома имзоланади.

Муҳайё ТОШҚОРАЕВА, ЎЗА

Мухтабар ҲУСАНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси

АЛИФБОНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА БИР ТЎХТАМГА КЕЛАМИЗМИ?



Лотин ёзувиг асосланган ўзбек алифбосига тўлиқ ўтишни таъминлаш бўйича ишчи гуруҳи кенг жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини ўрганиб, «Лотин ёзувиг асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари портал (regulation.gov.uz)даги умумхалқ муҳокамасини 2021 йил 1 ноябрга қадар давом эттиришга қарор қилди.

Бу борада Қонун лойиҳасининг муҳокамаси, зарурати ва аҳамиятига бағишланган илмий анжуманлар, маъруза ва семинарлар ўтказиш режалаштирилмоқда. Алифбога шаклий ўзгаришлар киритилиши муносабати билан талаб этиладиган харажатлар миқдори ҳам батафсил ўрганилади. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситаларида тақомиллашга асосланган алифбонинг турли (фонетик, график, техник, имло) хусусиятларига доир туркум кўрсатув ва мақолалар эълон қилиш кўзда тутиляпти.

Яқинда эса билдирилган таклиф ва мулоҳазалар экспертлар иштирок этидиган конференцияда қўриб чиқилиб, қонун лойиҳаси билан биргаликда Хукуматга киритилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлрининг тилшунос олимлари ва зиёлилардан иборат ишчи гуруҳ томонидан «Лотин ёзувиг асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Лойиҳада 2023 йил 1 январдан тўлиқ лотин ёзувиг асосланган ўзбек алифбосига ўтилиши инobatта олиним, амалдаги алифбодаги айрим мураккаб ҳарфлар шаклини ўзгартириш таклиф этилди. Хусусан, бугунги кунда расмий, норасмий матнлар, ОАВ материаллари, ташқи ёзувлар (реклама, пешлавҳа, эълон ва ҳ.к.)да У ва Ғ ҳарфларини ёзишда хатога йўл қўйилаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Бунга

– ушбу ҳарфларнинг «Unicod» жадвалида йўқлиги; («Unicod» бу – дунёнинг деярли барча тиллари ёзма белгиларини бирлаштирган кодлаш стандарти. Компью-

терда барча тилларнинг ўзига хос ҳарфларини ифодалаш имконини беради.)

– компьютер ҳамда замонавий гаджетларда У ва Ғ ҳарфларини бехато ёзиш учун компьютер клавиатурасида 6 та (аввал О ёки Г, кейин: алт 0145) тугма босилиши каби ўта ноқулай жиҳатлар сабаб бўлмоқда.

(У ва Ғ ҳарфларини «Unicod» жадвалига киритиш мумкин, бироқ бу хусусий ечим бўлиб, амалда фойдаланилаётган шрифтлар (фонтлар)да бу ҳарфлар кўринмайди.)

Натижада аксарият ёшлар ушбу ҳарфлар ўрнига қулайроқ белги ва рақамлардан (ўнинг ўрнига 6, ғнинг ўрнига 7, чнинг ўрнига 4, шнинг ўрнига w) дан ёки (У, О, О, О ва Ғ, Ғ, Ғ сингари) фойдаланимоқдалар.

Шунингдек, У ва Ғ ҳарфларидаги – диакритик белги туфайли тилимизни компьютер лингвистикасига мувофиқлаштириш қийин кечмоқда. Сир эмаски, диакритик белги қидирув, транслитерация, конвертация жараёнларида сўзларни иккига бўлиб ташлайди.

(Таклиф этилаётган лойиҳада О, Ғ, Ғ ва Ҷ ҳарфлари «Unicod» жадвалида бор. Дастурий таъминотлар билан ишлаш ва уларни яратишда муаммо бўлмайди.)

Иккинчидан, Ш ва Ч ҳарф бирикмалари матннинг кенгайиб кетишига, имло қоидаларининг эса ўзбек тили табиатига мос бўлмаган талаблар билан тўлдирилишига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, Ш ва Ч ҳарфлари фаол товушлар саналиб, инглиз тилига нисбатан 3-5 марта кўп учрайди, кетма-кет келганда эса ўқиш-ёзишни мураккаблаштиради (аччиқтош, хушқақчақ, ишчи, шаршара ва ҳ.к.).

– ушбу ҳарф бирикмалари халқимиз ўрганган «бир товуш – бир ҳарф» тамойилига ҳам мос эмас.

Шу ўринда алифбодаги айрим ҳарфларнинг шаклий ўзгариши туфайли амалдаги ҳужжат ва адабиётларнинг фойдаланиш мuddати ўтгандан кейин, аниқ режа асосида янгисига алмаштирилиши боис дарслик ва ўқув адабиётлари ортиқча харажатларсиз босқичма-босқич тўлиқ тақомиллаштирилган алифбода чоп этилишини айтиш жоиз.

Пул купюралар, фуқароликни тасдиқловчи гувоҳномалар, ID-карталар, яшаш гувоҳномалари ҳам белгиланган муддати тугагач, та-

комиллаштирилган алифбодаги янгисига алмаштириб берилади.

Ташкилот ва идораларнинг пешлавҳа ва иш ҳужжатлари, мудофаа, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг либосларидаги ёзувлар ҳам давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар доирасида, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан босқичма-босқич янгисига алмаштирилади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ахборот кутубхона марказларидаги адабиётлар алифбодаги ўзгаришлар туфайли фойдаланишдан чиқарилмайди. Аксинча, янги чоп этилаётган адабиётлар билан босқичма-босқич бойити борилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувиг асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси 2021 йил 16 март куни Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига қўйилди.

Дастлабки 15 кунлик муҳокама давомида «regulation.gov.uz»да лойиҳани 26 мингдан зиёд киши кўриб, 1035 та фикр қолдирган. Таклифларнинг 56 фоизи (547 таси) лотин ёзувиг асосланган ўзбек алифбосини ислоҳ қилишини, 32 фоизи (302 таси) эса амалдаги алифбода қолишни ёқлаган.

Айтиш мумкинки, алифбонинг тақомиллашуви ёқлаганларнинг аксарияти ўзгаришларни тўлиқ қўллаб-қувватлаган, шунингдек, кўпчилик С («тс») ҳарфини алифбога киритиш ва нг ҳарфини алифбодан чиқариб ташлашни таклиф этган.

Тўғри, ижтимоий тармоқларда алифбо ислохотини қўллаб-қувватлаш билан бирга, бу жараёндаги сарф харажатлар, ўрта авлоднинг саводсиз бўлиб қолишидан ташвишланиб билдирилган фикрлар ҳам бор.

Бироқ ўзгаришларнинг она тилимиз, халқимиз ва жамиятимиз учун нечоғли зарур эканини теран англаган ҳамда бу жараён босқичма-босқич амалга оширилишидан бохабар бўлган олим, адиб, журналист, блогерлар, лойиҳани яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Шахобиддин МУСАЕВИ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти масъул ходими

«Давлат тили тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 12-моддаси (Жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат қилинадиган тили) бир нечта жиҳатлари билан жиддий таҳлилга муҳтож, деб ҳисоблайман.

ЭНГ КАТТА ХАТОЙИМИЗ, ДАВЛАТ ТИЛИ ДЕГАНДА, ЎЗБЕК ТИЛИНИ, БОШҚА ТИЛЛАР ДЕГАНДА ЭСА, РУС ТИЛИНИ ТУШУНАЁТГАНИМИЗДА

Таклиф этилаётган таҳрирга кўра, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахсларига давлат тилида ва бошқа тилларда мурожаат қилиш ҳуқуқи таъминланади».

Бир қараганда кўпдан-кўп халқро ва миллий ҳужжатлар асосидаги вазлардан келиб чиқилса, барчаси рисоладагидек.

Бироқ ушбу қонун лойиҳасида ҳам, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунда ҳам «жисмоний шахслар» атамасига тушунтириш берилмагани учун бу масалада Фуқаролик кодексига суянишга тўғри келади: «16-модда. Фуқаро (жисмоний шахс) тушунчаси.

Фуқаролар (жисмоний шахслар) деганда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг мурожаатлари тўғрисидаги фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади.

Агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу Кодекснинг қоидалари барча фуқароларга нисбатан қўлланилади», дейилган.

Юқорида кўрганымиздек, на «Давлат тили тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, на «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунда жисмоний шахсга тушунча берилмаган экан. Демак, амалда мазкур кодексда ўрнатилган қоида бирламчи бўлади.

Энди жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахсларига давлат тилида ва бошқа тилларда мурожаат қилиш ҳуқуқи амалда қандай бажарилиши бир тасаввур қилайлик.

Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат, дунёда эса 200 га яқин давлат борлиги, шунингдек, фуқаролиги бўлмаганларнинг сони маълум эмаслиги инobatта олинса, ҳар бир фуқаронинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахсларига ўз тилларида мурожаат қилиш ҳуқуқларини таъминлаб беришга мажбур бўламиз («Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддаси ҳам худди шундай ҳуқуқни беради: «Хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси давлат органларига ушбу қонунга мувофиқ мурожаат этиш ҳуқуқига эга»).

Назаримда, бизнинг энг катта хатоимиз, давлат тили деганда, ўзбек тилини, бошқа тиллар деганда эса, рус тилини тушунаётганимизда бўляпти. Ҳолбуки, давлат тилининг вазифаси бирон тилни бошқасидан ажратиш, устун қўйиш эмас, балки жамият ва давлатдаги тегишли муносабатларда тартиб-интизомни таъминлашдан иборатдир. Давлат тили ҳам, аслида давлат божини ундириш, паспортни 16 ёшга тўлгач олиш, никоҳдан 18 (17) ёшдан ўтиш, ҳарбий хизматга 18 ёшдан чақирилиш, 18 ёшдан овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиш қоидалари сингари ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаб берадиган институтдир. Яъни, қайси тил давлат тили бўлишидан қатъи назар давлат тили билан боғлиқ талаблар фуқароларни иккилантириб қўймадлиги, турли талқинлар, ўзбошимчиликларга йўл очмаслиги ва албатта, гап-сўзсиз бажарилиши лозим.

«Давлат тили тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 12-моддасидан келиб чиқилса, ҳар қандай мурожаат, жумладан, оғзаки мурожаат ҳам дунёнинг исталган тилида бўлиши мумкин. Бундай пайтларда «қонунчиларимиз» нима дейишларини яхши биламиз: жуда ҳам ошириб юбордингиз, тўғри, назарий жиҳатдан мумкин, лекин амалда бундай бўлиши жуда қийин, кўпчилик ё ўзбекча, ё русча мурожаат қилади ва ҳоказо.

Маълумки, 2014 йили «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 6-моддаси учинчи қисми (Мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин) муҳокамасида, агар чекка бир туманда бирон давлат ташкилотига арман тилида мурожаат қилинса, нима бўлади, деган саволимиз жавобсиз қолган эди. Ушанда биз тўла жавоб қайтарилишини қайсарларча талаб қилмаган эдик. Негаки, қандай замон ва шароитда яшаётганимизни, қўйиб берилса, аслида маърузачи ҳам биз томонда эканини яхши билардик. Бироқ – бугунга келиб, 2021 йилга келиб, давлат ва жамият туриш-турмуши бутунлай ўзгариб кетгани, фикр ва сўз эркинлиги етти ухлаб тушимизга қирмаган даражада табиий ҳолатга айлангани, ҳар биримиз назарий жиҳатдан эмас, амалда ўз сўзимизни айтиш имконига эга бўлганимизга беш йил тўлаётган дорумомон кунларда юрагимиздаги гапларни очик айтмасак, Янги Ўзбекистонимизга сотқинлик қилган бўлмаймизми?

Шундан келиб чиқиб, айтаманки, қонун лойиҳасидаги «давлат органлари ва бошқа ташкилотлар» таъкиди ҳам маъхум бўлиб қолган. Бу ерда гап давлат ташкилотлари ҳақидами ёки мулкчилик шаклига қарамасдан ҳар қандай юридик шахс тўғрисидами аниқлаштириш керак. Мақсад биринчиси бўлса, яна хомилиқ қилган бўламиз. Негаки, хусусий юридик шахсга қайси тилда мурожаат қилиниши ва жавоб олинishi борасида албатта муаммо келиб чиқади. Масалан, хусусий тиббий, таълим хизматларидаги «тил сиёсати»дан яхши хабардормиз. Кўпчилик фуқароларимизнинг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларидаги хусусий ташкилотларга иши тушиши табиий ва йил сайин бу кўрсаткич ошиб боришини ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак.

Қисқаси, жуда қизгин муҳокамаларга сабаб бўлаётган «Давлат тили тўғрисида»ги қонун лойиҳасида икки хил талқин қилинадиган ҳолатлардан, айниқса, айнан шу ҳужжатда белгиланиши лозим бўлган масалани «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунга юклаш каби чалғитишлардан бутунлай воз кечиш керак. Аксинча, давлат тилининг ҳурматини ўрнига қўядиган, давлат тилини билишни заруратга айлантирадиган талабларни киритсақ, мақсадга мувофиқ бўлади. Шундагина ушбу масаладаги тортишувлар узил-кесил тўхтайти, эскича ахволдан манфаатдорларнинг умиди узилади, жамият тинчланади. Энг муҳими, 3 минг йиллик давлатчилигимиз тарихида ҳал бўлмаик, кези келганда, бизга муаммо орттириб келаётган чигал муаммога ечим топилади.

Азамат ЗИЁ, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Сенатор

✓ Худудий кенгашларда

Андижон: Хатолар 16 та сессияда муҳокама қилинди

Шу кунга қадар Андижон вилоятининг барча туман ва шаҳар кенгашлари томонидан ташқи реклама ва бошқа ёзувларнинг давлат тилида юритилиши бўйича маҳаллий Кенгаш сессияларига 16 та ташаббус-масалалар киритилди. Бундан ташқари, депутатлар иштирокида 79 та ўрганишлар олиб борилиб, 52 та ташқи реклама ва бошқа ёзувларда хоталиклар борлиги аниқланди ва қонун бузилиши ҳолатлари бартараф этилди. Шу ўринда Ишчи гуруҳ томонидан Олтинқул,

Марҳамат, Андижон ва Улуғнор туманларининг жамоат жойлари, аҳоли гавжум масканлар ҳамда савдо мажмуалари ва чет тиллардаги пешлавҳалардаги хатолар бартараф этилди. Халқ депутатлари Жалақудуқ тумани кенгашидаги партия гуруҳи эса жойларда «Давлат тили ҳақида»ги, «Лотин ёзувиг асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги, «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги қонунлар

ижросини таҳлил қилди. Ўрганишлар натижаси эса Жалақудуқ тумани кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи ййгилишида муҳокама қилинган, аниқланган камчиликлар бўйича тайёрланган таклифлар халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилдиган бўлди.

Шохруҳбек АБДУСАМАТОВ, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Андижон вилояти кенгаши бош мутахассиси



✓ Эълон!

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бinosининг 623 м² майдонини 5 см қалинликда асфальт қоплаш учун тендер эълон қилади.

Мурожаат учун телефон:
71-277-60-73
71-293-45-77

ШАВЗУ ДОЛЗАРБЛИГИНИ ЙЎҚОТДИМИ?

ЙЎҚ! ЧУНКИ ҲАЛИ МУАММОГА ЕЧИМ ТОПИЛМАДИ, ДЕМАК МУҲОКАМА ДАВОМ ЭТИШИ КЕРАК!



Хусан ЭРМАТОВ,
журналист

Ижтимоий тармоқларда бирор-бир мавзу икки-уч кун қизгин баҳс-мунозаларни уйғотилади-да, кейин исиз йўқолади. Ваҳоланки, муаммо ҳал этилмаган экан, мавзу муҳокамаси ҳам давом этиши керак эмасми? Бир пайтлар "Ўзбекистон овози" газетасида ишлаб, ХДП Марказий кенгаши фаолияти (уша даврдаги, албатта) дан хафа бўлиб кетардим. Ушбу газетада ишлаган ҳамкасбларим мени яхши тушунадилар, деб ўйлайман. Чунки тахририятда партия фаолияти билан боғлиқ мақолаларни шу қадар «дуоама» қилишга мажбурлашардики, асли булар ўзи бирон жойда ўқиган одамларми, деб ҳайратга тушардик. Масалан, биттаси ҳар икки сўзининг орасига вергул қўйишга мажбурласа, бошқаси фақат расмий тилнигина тан оларди ва ҳоказо...

Мана, ўша воқеаларга ҳам йигирма йилдан ошибди. Вақт кўп нарсани ўзгартиради, дейишади. Аммо бу гап ХДПга тегишли эмаслиги аён бўляпти. Негаки, она тилимизга бўлган муносабатда бу яққол кўриниб қолди. Балким бунга йигирма йил аввалги раҳбарларнинг баъзилари ҳали ҳам партия фаоллари сафида эканлиги сабабдир. Янаям билмадим. Мақсуда Ворисовани ХДПнинг политтехнологи деб аташади. Унинг таклиф ва гоёлари партия етакчиси учун ҳам бажаришга асос бўларлик даражада қувват касб этиши ҳақида партия аъзоларидан кўп эшитганман. Шу маънода, Ворисованинг айни пайтда кун тартибда долзарб бўлиб турган масалага муносабати жуда қизиқ эди менга. Ва, мана, ўша муносабат: (Дарвоқе, Ворисованинг муносабатини айнан келтирялман. Хатолари билан!)

Мумкин(,) деган таклифга овоз берди. Нима учун? Давлат ташкилотларига қилинаётган мурожаатларнинг асосий қисми ах(х)олининг эх(х)тиёжманд қатлами (-) бизнинг партия электорати томонидан билдирилади. (Сиз партиянгиз электоратини яна бир карра аниқлаштириб олсангиз бўларкан. Ҳозирда сони бор-у, саноги йўқ электоратингизнинг. Тан олинг, ўттиз йил ўтиб, мамлакатда камбағал қатлам борлиги расман тан олинди. Агар партия ўз электоратини қадрлаганида эди бу ҳақиқатни лоақал олдинроқ айтган, уларнинг ҳимояси учун бирор-бир жўяли таклиф киритган бўларди...) Ёрдам сўраб ҳокимликларга, пенсия бўлимларига, шифохоналарга, электр, газ, сув таъминоти корхоналарига асосан катта ёшдагилар, ногиронлиги борлар мурожаат қиладилар. (Адашяпсиз, коммунал хизмат тармоқларига қариялар эмас, кўпроқ ёш-



Мен ушбу муносабатнинг ҳар бир нуқтасига қаршиман. Рухсатингиз билан... Биринчидан, партия ўз электоратини фалончи ва фисмадончилар, деб айтишга қанчалик маънавий ҳақдор? Жамиятдаги энг кекса партия бугун камбағаллар армияси мавжуд экани учун ўзини нечоғли айбдор ва масъул деб билади, ахир ҳар гал айнан кам таъминланган ва ижтимоий қуввати паст қатламнинг ишончи ва овозига «эга» чиқиб юрадиган бу сиёсий куч ўзи нимани хоҳлаётганини ўзи билади-ми? Мана, шу саволга жавоб беринг, опаҷон! Сизга кимдир тухмат қилса, қонун чиқарувчи ҳокимият вакили сифатида ўзингиз чиқарган қонун доирасида нега ҳаракат қилмайсиз? Балки, бу қонунларга ишонмасиз ёки ҳақлигингизга ишонмай-сизми? Энг қизиғи, нега ўттиз йил мобайнида давлат тили мақомига эга бўлган ўзбек тилини барча аҳоли ўрганмади? Нега лоақал энди ўргансин, деган қарашга ҳам қарши чиқаяпсиз? Сиз айтган ўша кам таъминланган фуқароларнинг болалари бугун Россияда-Россия юрибди. Лекин нега Россиядаги ҳамкасбларингиздан, хусусан, сизга гоёвий жиҳатдан яқин бўлган Зюганов партиясидан Россияда касалманд бўлса шифокорга борган ўзбек ўзбекча мурожаат қилсин, деб илтимос қилмаяпсиз? Нега, ўзингиз ўзбек бўла туриб, тилимизнинг шу қадар хор-у зор бўлишини истаб овоз бермоқдасиз? Билмадим, балким мен сизнинг миллатингиз ҳақида англиш ўйлаётгандирман. Режел Тайип Эрдоған деган Туркия давлатининг президенти бор. У коммунистик партия аъзоси бўлмагани учун ҳам Сизга таништирялман. Туркий оламда катта обрў ва эътиборга эга, энг аввало, миллати ва динини чин дилдан севадиган, ориятли раҳбар. Мана, у нима дейпти: «Ватанини, аввало, тил ҳимоя қиладди, ундан кейин армия». Эътирозингиз борми? Туркиянинг ривожланишида, энг аввало, халқнинг ватанпарварлиги бош омили бўлиб келаяпти. Бошқа омиллар ҳам бор, аммо улар иккинчи ва учинчи ўринда! Ҳеч эътибор қаратганимиз, мамлакатнинг ҳар бир идорасида ўнлаб, юзлаб Туркия байроқларига қўзингиз тушади. Биргина байроқнинг ўзи коррупцияга қарши Сизнинг партиянгиздан кўра, жамиятга кўпроқ, мингчандон кўпроқ фойда келтиряпти (бунда муболага йўқ), чунки одамлар ўз байроғини эъзозлайди, ўша байроғи гувоҳлигида гуноҳ иш қилишдан, пора олишдан тийилади, бировнинг ҳақидан кўрқайди. Сиз эса...

Нега ўттиз йил ўз электоратингиз (агар шу рост бўлса)га илтимос қилмадингиз, ўқирмадингизки, биродарлар шу Ватанини Ватан дедингизми, давлат тилини хурмат қилинг, тил сизни боқаятган шундай азиз Ватанингиз бош мулоқот воситаси деб. Аммо нега бугунга келиб ҳам шу ишни қилмоқчи эмасиз? Айтинг, кимсиз ўзи?

лар боради ва умуман олиб қараганда, шифохонадан ташқари юқорида номлари келтирилган жойларнинг ҳаммасига ҳозир бориб, навбат кутишининг ҳолати ҳам кам) Миллий тикланиш(«») партияси таклифига кўра(,) ана шу муҳтожларни ёзган мурожаатларини қабул қилмай таржима қилдириб келишни талаб қилиш инсофданми? Улар ҳам бизнинг тенг ҳуқуқли фуқароларимиз эмасми? (Қодирове «керак бўлса», деб озгаки айтган гапни илб олибсиз. Аслида, Ўзбекистонда яшайётган асосий русийзабон аҳоли, аслида сиздан кўра ўзбек тилини яхшироқ билади. Лекин биз узоқ вақт уларнинг тилимизни менсимасликларига замин яратиб бердик. Билишади, лекин гапиримайди, ор қилишади. Нимасини айтаман, ҳатто ўзи ўзбек бўла туриб ўзбекча гапирмайдиган қанча «зодагон»ларимиз бор. Аслида масала ана шундай ўзимиздан чиққанларда! Таржимонга эса асло ҳожат йўқ. Қардошларимиз – қозоқ, қирғиз, туркман каби бир тил оиласига мансуб ҳамюртларимиз ўзбекчани сиздан равон гапирдилар, тилни билмаган тақдирларида ҳам уларни таржимонсиз тушуна оламиз. Яъни, ҳеч ҳам ортиқча «меҳрибончилик»га эҳтиёж йўқ) Аризачи ёлғиз қария, ногирон, м(«М)ехрибонлик уйи(«»)дан чиққан етим бола бўлсачи? (Уларнинг бари ўзбек жамоасида улғайган, яшаган, нега ўзбек тилини билмасин, энг муҳими

улар бу ўзгартиришларга мутлақо қарши эмас, биз ўзбеклар, тилнинг, она Ватанинг «дўст»лари қарши, холос. Келиб чиқаятган хулоса шу!) Ахир давлат ташкилотларига мурожаат қилувчиларнинг асосий қисми улар-ку! Миллий («Миллий тикланиш») партия(си) вакиллари иддао қилганидек(,) араб ёки х(Х)итой сармоюдорлари(,) албатта(,) ўз таржимонлари билан келиши кундек равшан. Ҳокимнинг қабулига келган қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, рус (миллиятига мансуб) қариялар ўзлари билан таржимон олиб келишлари ҳақидаги талаб қайси қонунга ёки инсонийликка тўғри келди? (Унда қонунларни ҳам инсонийликка мослаб чиқайлик, масалан, уйда нон қолмаган одам дўконни ўмарини мумкин, чунки бечорага нима ҳам деймиз, деган каби). Мутасадди рах(х)бар ўзи хизмат қилаётган ах(х)оли мурожаатини тушуниш учун ҳаракат қилиши зарур эмасми? Давлат бюджетидан унга маош шунинг учун тўланади, бизнингча. (Бундан бўён раҳбарларнинг йиғирмача тил билишини шарт қилиб қўямиз, шундайми?) Мен ўзбек тилидан бошқасини тушунамайман ва тушунишни истамайман(,) дейиш рах(х)барликка даъво қилувчилар учун қанчалар тўғри? Шу в(В)атан фарзанди сифатида биз она тилимиз(-) ўзбек тилининг шаъни, обрўси, мавқеи баланд бўлишини истаймиз. (Айнан сиз истамайсиз, алдаманг!) Узининг сайловолди дастурида ана шу вазифани асосий масала қилиб кўтарган партия, унинг ечими сифатида баъзи фуқароларнинг Конституция билан тасдиқланган х(х)уқуқларини чеклашни кўраётган бўлса, биз қаттиқ афсусдамиз. Агар ҳақиқий миллатпарвар бўлсангиз кўчалардаги турли туман тилларда тушунарли ёзилган реклама ва лавҳаларга, мактаб дарсликларидан гиж-ғиж х(х)атоларга, оммавий ахборот воситаларидан тинмай ёғилаётган ўзбек тилига мутлақо номуносиб бўлган жумлаларга эътибор қаратинг-ки, биз Сизга ҳамкор бўлайлик. (Ҳамкор


бўлиш учун ҳам тилни билиш керак бўлади аммо...) Ёшларимиз барча замонавий билим ва маълумотларни олаётган интернетда ўзбек тилидаги сегмент қанчалар муқаммал? Ўзбек тили қачон фан, илм, техника тилига айланади? Бунинг учун қайғуриш вақти эмасми? (Шу гапларни бошқа бирое ёзиб бермаганмикан, деб ўйлаб қолдим). Наҳотки бечора, мискин, ногиронларни сарсон қилиш билан ўзбек тили юксалади? (Бунақа шафқатсиз тилдан воз кечиб қўя қолсақ бўларкан-а...) Миллий тикланиш(«») партияси таклифи қабул қилинди ҳам дейлик. Хўш, жамиятда бу қонун қайси муаммони ҳал қилади? Бизнингча(,) у фақат зиддиятларга, муаммоларга сабаб бўлади. Таклиф муҳокамасининг ўзидаёқ тарафма-тарифга ажралишга гувоҳ(х) бўлиб турибмиз. (Қабул қилинг, жуда чиройли бўлади, тил сақлаб қолинади, софлиги кучаяди, эҳҳх...) Халқ демократик партияси ўзининг принципларига содиқ ҳолда аҳолимизнинг энг ёрдамга муҳтож қатлами манфаатлари ҳимояси, жамиятда тинчлик, тотувлик, осойишталик, тенглик тамойиллари, бир сўз билан айтганда чин инсоний, исломий сифатлар учун курашаверади. (Шу ўринларини «кўтара ёлгон» деган атамга мос тарзда белгилаб қўямиз). Бизни хоин(«») деганлар ўзлари ана шу сифатларга х(х)иёнат қилаётганларини ўйлаб кўрсалар бўлар эди. (Ҳа, «хоин» деган сифатга хиёнат қилишяпти).

Ҳеч қачон ҳақорат қилмаймиз, бунга бизнинг тарбиямиз йўл қўймайди. О(А)ллоҳ кўргувчи, билгувчидир, ў(У)зи ҳеч қачон ҳақни ноҳақ қилмайди. (Яна қўшимча: бундай муносабатнинг ўзи муаллифнинг ўзбек тилига бўлган «чексиз ҳурмати»ни кўрсатиб турибди. Агар бу матн ишро эмас, ҳатто диктант ҳолида тақдим этилганида ҳам домламитиз бундай саводи даст ўқучечига чиройли қилиб «2» баҳо қўйган бўлар эди. Партиянгизда бирон-та ўзбек имлосидан бохабар одам топилмабди-да...)



AMERICAN AIRLINES
бош директори Дуг Паркер мусулмон ходимлари нимани ҳис қилаётганини яхшироқ тушуниш учун Рамазон ойида рўза тутмоқда. Паркер ўзининг LinkedIn саҳифасида компания ходимлари унга шу тажрибани таклиф қилганидан сўнг рўза тутушга қарор қилганини ёзди. American Airlines раҳбарининг сўзларига кўра, у 15 соат давомида сув ва овқатдан воз кечган. Шундан кейин унинг мусулмон ходимларига бўлган ҳурмат-эҳтироми, уларнинг иймонларига бўлган садоқати янада ошган. Islam.ru маълумотларига кўра, Паркернинг ижтимоий тармоқлардаги пости 14 мингга яқин лайк тўплаган. Унинг остига 550 та изоҳ ҳам жойланган.

Улуғбек Вафоев эса футболчи жароҳат олганда ўз шифокорига ўзбек тилида гапириши кераклиги тўғрисидаги манқисиз кўрғазмасини ўзи каби «онгли» катламга кўрсатсин! Бу аслида «онгли» восита эмас, балки майнавозчиликнинг ўзгинаси бўпти! Изоҳлашга ҳам ҳожат йўқ. Кечирасизлар-у... Балким ўзи бирон-бир хориж давлатининг алоҳида эътиборида эмасми бу партия, деган гуноҳга ҳам боришга мажбур бўляпти одам!!!



РАУФ ПАРФИ Ҳаётини



Кўчқор НОРҚОБИЛ

БИР БУРДА НОН

Менга Рауф Парфи ҳақида гапириб, ёзиш негандир оғирлик қилади. Сабабини тушунириб бериш қийин. У кишининг атрофида юрганлар, билганлар, у киши маълум маънода суянган, ишонган ва меҳр қўйган, муносабат қилган ҳаммамиз гўё Рауф Парфи учун вақтида қилиш керак бўлган ишларни қилмаган, ўша пайтда у кишининг, у бир умр химоя қилган ва ҳаётини бағишлаган эътиқод, адабиёт олдидики бурчимизни охиригача бажармагандай туюлаверади. Шу сабабли Рауф ака ҳақидаги ярим афсона хотираларни ўқиганимда, кўнглимда «Рауф ака шунча бўлганмикин?!» деган шубҳа уйғонади. Менда ҳаммиша Рауф ака ўз зиммасига кўп нарсани, хусусан, оила, рўзгор, қариндош-уруғчилик ташвишларини олмаслик учунгина ўша хотираларда келтирилган афсоналарнинг асоси бўлган «дарвешона ҳолат»га ўзини атайин солиб юргандек таассурот қолдирарди. Бу шунчаки тахмин эмас. Бир гал Қаршига бирга борганимизда ёзувчи Темир Тиллаевнинг уйда Рауф ака биринчи марта биз билан мутойиба тарзида эмас, самимий, кўнглини очиб гаплашганининг гувоҳи бўлганим. Ушундан биз – бу шоирни қарийб адабиёт маъбудиди даражасида кўрайдиган ёш йиғитлар англаб етган ҳақиқатимиз шу бўлгандики, Рауф ака бизга таърифлашгандек, ҳамма нарсаси кўп силтаган, дийдаси қаттиқ, ердан узилиб, фақат осмонда яшайдиган, шеър учун ҳар қандай нарсани қўриб қилиб юборадиган даражадаги енгил ўйли ижодкор эмас, болаларига, оиласи муносабати ҳам бошқаларникига ўхшайдиган, аммо бунинг удрасидан ҳаммиша ҳам чиқармайдиган шахс сифатида намоян бўлган эди. Биз билан ўшанда гаплашаётган ва худди бугунгидек кезиб юрган таърифу таврифулар тўғрисида тасаввуримизда шаклланган Рауф Парфининг ичида бошқа Рауф Парфи ҳам ўтирарди. Бу Рауф Парфи фарзандлари, оиласи олдидаги бурчини биладиган ва бу бурчини теран англайдиган, айти пайтда бу бурчини бажаролмаганидан, ўзининг бу соҳадаги ношудлиги, ҳафсаласизлигидан озор чекиб қийналадиган, фарзандлар меҳрини қозонишни, уларга ўзи оруз қилгандек меҳр кўрсатишни ва меҳр олишни истайдиган ювшор Рауф Парфи ўтирарди. Ушундан мен биринчи марта қуюнчак ота ва эр Рауф Парфини кўрдим. Рауф акадан ўша кунин олган «таълимимиз» бизни ҳам маълум маънода ўзига ҳос тарбиялаганди.

Рауф ака дунёни, ўз ибораси билан айтганда, «катта ватан» ва «кичик ватан»га бўларди. Замондошларимиз аксариятининг фожиаси шундаки, улар «катта ватан»ни сотиб еб бўлган ёки биронта манфаатли нарсаси, мансаби, амалга алмаштириб юборишган. Улар фақат «кичик ватан»нинг қулга айланган. Шу сабабли бунақа одамларни Рауф ака ошқора ва атайин мазах қилиб юрарди. Токи улар ўзларининг кимлигини, «катта ватан»ни алмаштириб бўлмаслигини англамагунча, мазахга, ҳақоратга муносиб эди. Рауф ака бу касалликни жуда юқумли, ҳаммани домига тортиб кетиши мумкин бўлган дард, деб ҳисобларди. Шу сабабли бу касалликдан ҳамиша ўзини химоя қилишига ҳаракат қиларди. Рауф акани қийнайдиган ва атрофига қараб азобланадиган нарсаси ҳам аслида шунда эди. Теваракнинг туслигани, турланишлари, осонгина ҳар

гапи ҳаммамизни дойдиратди. Лекин Рауф ака бирдан узиб олди: «Тўғри, сиз ҳам ватанпарварсиз, фақат кичик ватанга парварсиз. Катта ватанга алоқангиз йўқ. Сиздайлар ҳамма нарсани кичик ватанга ташиб келтиргани учун катта ватанда халқ ейдиган ҳеч нарсаси қолмади». Бу танбеҳдан иқтисодчининг энсаси қоти. Билмадим, бу қариндоши билан кейинчалик илакишиб кетди, йўқми, аммо Рауф ака катта ватан масаласида ҳеч кимни, ҳатто ўзини ҳам аямасди. Айна одамларга ҳеч нарсани ва ҳеч кимни, виждон ва эътиқодни сотмай ҳам яшаш мумкинлигини ўзининг туриш-турмуши ва ҳаёти билан исботлаб бермоқчидай эди, лекин тан олиш керак, ўз умри билан буни исбот қилиб ҳам берди.

Кейинги йилларда турли нааш ва тўпламларда Эфлон қилинаётган Рауф Парфи

«Мана, менинг ватаним шу уйим. Шу уйда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Мен фақат шу ватан учун яшайман. Бошқа ватанни тан олмайман. Менинг ҳамма нарсам бор, пулим, машинам, коттежим, мана шулар менга ватан!.. Мен учун ватанларварлик шу!»

ҳақидаги хотираларни ўқиган кишида агар ростданам бу хотираларда ёзилгандек, содиқ шоғирлар, вафодор дўст-ёрлар даврасида, салкам Хужа Насриддин каби мутойиба билан яшаганда эди, устоз эҳтимол, ҳалигача орамизда юрган бўларди, деган бир истеъзо уйғонган бўлгани табиий.

Бу хотираларда келтирилган шоир айтган, айтмаган гаплар, иборалар, ҳазил-мутойибаларни ўқиб, Рауф ака сал бўлмаса ғам-қайғуни ичига қутирмайдиган афандига ўхшаб қолгани кишини ўқинтиради. Билмадим, эҳтимол, у киши мен билан ўша муаллифларга қилгандек муомала ва муносабат қилмагандир?! Ҳар ҳолда, мен билан Рауф ака бундай эмасди. Юзлари қулиб тургани билан кўзларида изтироб ва дард юрарди. Менга ҳаммиша Рауф ака бошқа нарсани гапирмоқчи-ю, лекин тили бошқа нарсаларни, хусусан, одамлар орасида мутойибага айланган ибораларни атайин гапиратгандек, қимтилган лаблари алам ва қубатдан титраб кетгандек, ёшланган кўзларида аслида мен сизларга бошқа нарсани гапирмоқчи эдим, деётгандек бўлар ва ўзининг ожиз, заиф томонларини ҳам яширмасди, аммо айнан ўз эътиқодида ҳар маҳал содиқ ҳамда шу эътиқод бор жойда жуда кучли ва иродали, қувватли ва қудратли шахсга айлана оларди. Ҳар бир мутойибаси ортида заҳархандалик, анҷик изтироб, нимагадир ишора ва ҳатто, нимадандир норозилик, кимнидир узиб олишга бўлган иштиёқ этарди.

«Жаҳон адабиёти» журнада ишлаб юрган имизда Рауф ака эрталаб тонг сахардан ишда бўларди. Раҳматли Озод Шарафиддинов: «Рауфни жуда тартибсиз дейишарди, ёлгон экан-да. Қаранглар, ҳаммамиздан олдин ишда бўлади», – деб мақтагани ёдимда. Рауф ака эса бу мактовдан сўнг: «Домла, қанийди, бошқаларнинг ҳам ҳаёти меникига ўхшас, ҳамма ҳар кун эрталабдан ишга келарди. Аслида, менинг яшаш усулини ҳаммага жорий қилиш керак, шунда ишда тартиб бўлади», – деди. Бу гапида аламли истеъзо борлигини шоирнинг кейинги ойларида кечиб-кечкишига андан хабардор кишиларгина англади. Домла, табиийки, Рауф ака навбатдаги уйини

қаранг, одамни қийнаманг, шу тушликка мен учун ажратган пулингизни ўзимга бериб қўяқолинг, уни нима қилсам ўзим биламан, сиз ҳам менга яхшилик қилганингиздан хурсанд бўлиб юрасиз», – деди. Гапидаги истеъзони сезиб турсам ҳам гўё Рауф Парфини ўзгартирмоқчи ва тарбияламоқчидек «Йўқ, бирга овқатланамиз», – деб олиб чиқдим. Рауф ака барибир ўз айтганини қилдирди. Биз билан бошқа овқатланишга чиқмади. Тушликка чиқарганимиз «Қорин ташвишимми?!» – дерди истеъзони. Бу билан бизни «чакиб» оларди. Узининг бундай «ташвиш»дан устун эканини билдириб қўймоқчидай эди гўё. Узи эса одатда шоир-ёзувчилар ўртасида «Рауф Парфи қабулхонаси» деб ном олган қаҳвахонада таниш ва нотанишлар даврасида, кейинчалик машҳур бўлган мутойибалари-ю ибораларини «ижод» қилиб ўтирарди.

Рауф ака ва Шукур Холмираев дунёга фақат адабиёт учунгина келишгандек эди. Адабиётдан бошқасини тан олишмасди. Адабиёт ҳар иккаласи учун ҳам оила, ҳам ватан, ҳам эътиқод рамзи эди. Адабиёт деганда бутун бошли халқни, тилни, миллатни тушунишарди. Қолган барча нарсаларга бепарво эди. Оила, уй-жой, иш-мажбурият, бола-чақа ташвишлари улар учун иккинчи даражали эди. Агар ёзишга ва ўз эътиқод билан яшашга ҳалақит берса, булардан воз кечишга тайёр шахслар эди. Аммо адабиётнинг туб моҳиятидан, туб максадидан воз кечишмасди, адабиётга хиёнати, сўзга хиёнати, ўзлари «адабиёт» деб билган виждонга хиёнати кечири олишмасди. Улар адабиётни манфаат қуроли қилишмади. Улар ишга ва табиийки, кўплар муқассаддан кетадиган мансаб-мартабага, амалга, шон-шуҳратга бепарво бўлишди, буларни майда-чуйда нарсалар деб билишарди, аммо адабиётни худди ўз ватанларидай, ўз уйидай, ўз кўнглидаги химоя қилдиларди, адабиёт олдидики бурчларини бир нафас бўлса ҳам унуттигани ёки масъулиятсизлик билан қарашгани йўқ. Улар тирилик пайтда адабий жараёнга кириш эшигиди ҳаммиша уларнинг нигоҳи турар, бу дарвозадан шу нигоҳга истеъдоди билан дош бера олганларини билишарди. Бугун биз ана шу нигоҳларга ҳар томонлама эҳтиёж сезаяпмиз. Умуман, ўзбек шеърларида Рауф Парфи нигоҳи 60-йилларнинг охиридан бошланди ва бу нигоҳ остида адабиётни ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатдан янгилаб берган 70-йилларнинг авлоди пайдо бўлди ҳамда ўз сўзларини айтишга киришди. Уларнинг сўзлари қайсибир маънода Рауф Парфининг сўзлари, орзулари, интилишлари ҳам эди. Менинг назаримда, шеърят ҳалигача Рауф Парфи адабий нигоҳи ва истеъдоди билан юксалтириб берган поэтик худуд бўйлаб кезиб юрибди, ўзини қанчалик шаклу шомойилга солмасин, янги худудга кўтарила олгани йўқ, Рауф Парфи қолдирган тасаввурни ўзгартира олгани йўқ.

Менинг назаримда, Рауф ака ҳаётга қасдлашиб яшарди. Бошқалар интилган ҳаёт незъматлари, завқларидан ўзини деярли тийди. Рауф ака билан қарийб йигирма йиллик танишлимиз даврида моддий маънодаги «маза қилиб» деган бирикмени эшитганим йўқ. Ҳаётга қасдлашгани учун ҳам соғлиғига, турмуш ташвишларига бепарво эди. Айнан шу бепарволиги шоирни орамиздан эрта олиб кетди. Рауф ака эътиқод, сўзга муносабат масаласида ҳамма нарсадан, ҳатто ҳаётдан ҳам устун бўлишни истарди. Бугун биз у киши тирилик пайтида ҳаётнинг ташвишлардан устун бўлганига, кўнгли, қалби, шеърлари билан кўхна, қари ва шафқатсиз ҳаёт устидан бандан келганига, бандан турганига гувоҳ бўлиб туришимиз.

Назар ЭШОНҚУЛ, ёзувчи

Умрининг сўнгги куни қазоси кўзига кир бўлиб кўринган дам кекса генерал ўғлини ёнига қақирди. – Ота, Сен ҳали кўп яшайсан. Бу нима деганинг. Тобинг қочди, холос. – Гапимга қулоқ сол, ўғлим! – Йўқ, гапирма! Хоҳласанг бутун Воронежни остин-устун қиламан, Россияни оёкка турғизаман, Анқонинг уруғи қўшилган дори-дармон бўлсам топиб келаман, хоҳласанг, хозирок чет элга олиб учаман, ўша ёқда даволамман. Фақат ўлим ҳақида гапирма, жон ота!... – Уғлон йиғлаб тиз чўқди. Отасининг тўшакда тобора холсиланиб бораётган титроқ кўллари ўпди. – Нима десам қиласан-а? – чол лаблари тамшаниб илтижоли бокди. – Ха, ота! Айт. Фақат!... – Зоғора нон егим келаяпти. Узбек тандирда қилиб-қизариб, қотиб пишган зоғора нон... – Уғил ҳайратланиб қаради. – Қирк иккинчи йили ҳандақда ёганимизда лейтенант Шарапов ён чўнтагидан олиб берувди. Жуда лаззатли, чети бироз қуйган, лекин жуда ширин, қотган, қипқизариб пишган бир бурда нон, Зоғора нон. – Уғилнинг ботинида бир ўқрик тўлғонди. Ота давом этди: – Фарғона деган жой бор. Тоғ тағидида кишлок. Тонг қоқ қуёш қешлокка жуда яқинлашиб келаркан. Тоғдан шарқираб тушган Оксой суви кишлокни иккинчи бўлиб оқди. Одамлар ҳовли эшикларига қулф солишмайди. Ҳар бир хонадонда тандир бор. Ҳар бир уйда эрталаб тандир ёнади. Ҳар бир тандирдан офтоб нон чиқади – офтоб чикади. Ана тимкора сочини занжир қилиб ўрган навнихол, гўзал ўзбек қизи тандирга ўтти ташлаяпти. Ховлиларда ишқомларда саватдай-саватдай бўлиб узумлар осилиб ётибди. Боғларда меваларда фарқ... Эй-эй, Шарапов, сенмисан оғайни!? Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди. У-ух, ўзгармасан-а. Юртинг чиндан ҳам эрталабдайд гўзал экан, биродар. Эй, бу зоғора нон-ку. Раҳмат оғайни, унутмабсан-а... Шу ноини соғинганимни қаердан билдинг, Шарапов. Бемор генералнинг ҳаёти улукди. Ҳамшира томирига укол урди. Укол таъсир қилмади. Чол яна алмойи-жалмоий гапириб алаҳсий бошлади. – Шарапов, доим бир гапни кўп гапирсан: «Бир бурда нонга одамнинг қорни тўяди...» – дейсан. Ҳақ айтсан. Мана бир бурда нонга қорним тўйди-ку. Лекин... Одамзот нега шуни тушуниб етмайди? Нега одамзот бир бурда нонга қорни тўйса ҳам оқуқлик билан бир-бирини фажийди. Уруш қилади, Шарапов!? Агар бунини тушунганда эди, ер юзи тинч бўларди, ер юзиде уруш бўлмас эди... Сен билган оддий гапни бугун бутун дунё тушунишни истамайсан, Шарапов! Чол жимиб қолди. Хонага оғир сукунат чўқди. Сўнг бир тўлғониб, ҳансиради, сўниб бораётган нигоҳини тепасидаги ўғлига тикди. – Алигарх титраб-қақшаб турарди. Генералнинг сўниқ чехрасида туйқус майин табассум ёйилди. Енгил нафас олиб: – Бир бурда нон... Бир бурда нон ҳаммамизга етади, – деди қорғин ва титроқли овозда. Бу унинг сўнгги гапи эди.

ПАРАНЖИ ҚАНДАЙ ТАШЛАНГАН ЭДИ? ЎКИ «ХУЖУМ» «ОПЕРАЦИЯ»СИ ҲАҚИДА

XX асрнинг 20–30-йиллари Марказий Осиё минтақаси аёллари тақдирини оғир кечди. Айнан ана шу даврда уларнинг турмуш тарзи, ижтимоий фаоллиги, жамиятдаги ўрни, ижтимоий хулқ-атвори ўзгарди. Гап аёллар эмансипацияси, яъни паранжисини ташлаб, ижтимоий фаоллашуви ҳақида бормоқда. «Дарё» колумнисти Ғайрат Йўлдошнинг ёзишича, 1917 йилги Октябрь тўнтарыши Еврооёсиёнинг катта ҳудудини эгаллаган Россия халқлари ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Император Николай IIнинг тахтдан ағдарилиши ва «большевик»ларнинг ҳокимиятни эгаллашлари одамларнинг кундалик ҳаётига, динлар ва турли миллатларнинг тарихига бўлган муносабатини ҳам ўзгартира бошлади.

Ўшанда дини, маданияти, тарихи ва мол-мулкдан ажралаётганлар келажакда бошларига нималар тушишини ҳатто тасаввур ҳам қилмаган эдилар. Коммунистлар тузум ҳатто одамларнинг қандай кийиниши, кўча-кўйда қандай юришигача ўзгартира бошлади.

Бу жараёнда кучли ва изчил тарғибот ҳамда жазо чоралари натижасидагина одамлар ўзгара бошладилар. Жумладан, Марказий Осиё халқлари ҳам.

Маълумки, азалдан ислом динига амал қилиб яшаган халқларда оиланинг таъминотчиси эркак саналиб, аёллар уйда асосан бола тарбияси билан шуғулланган. Тўғри, аксарият аёллар оғир бўлмаган касб-хунар билан ҳам шуғулланишган. Масалан, тикувчилик, гилам ва матолар тўқиш, ип йиғириш...

Шуни қайд этиш керакки, коммунистлар олдиға одамлар онги, турмуш тарзини ўзгартириш вазифаси қўйилган экан, бунда энг аввало ислом дини ақидаларига қарши иш тутиш ва аёлларни кўчага чиқармасдан бирор натижага эришиб бўлмасди. Шу тариқа Марказий Осиёда аёлларнинг кўча кийими бўлган паранжини йўқ қилиш режасига киришилди.

Бу ҳаракат «Хужум» деб аталди. «Хужум»нинг илк ташвиқот ҳаракатлари 1924 йилда бошланди. Аммо у жуда катта қаршиликларга учради.

1925–1926 йилларда «Хужум» айтирли натижа бермади. Аммо 1927 йилдан бошлаб бу ҳаракат қаттиқ авж олди. Коммунистлар энг чекка ҳудудларда ҳам артеллар, кечки ўқув курслари ташкил этиб, уларга аёлларни жалб эта бошладилар. Ҳатто бу ишлар уйма-уй юриб тарғиб қилинди.

1927 йилга келиб эса Урта Осиё Марказий қўмитасининг биринчи котиби Исаак Абрамович Зеленский ташаббуси билан илк марта Самарқанднинг Регистон майдонида мамлакатнинг турли ҳудудларидан олиб келинган ва паранжисини ташлашга рози бўлган аёллар ва ушбу ҳаракатга аввалроқ қўшилган фаоллар иштирокида паранжи ташлаш тадбири уюштирилди. Паранжисини оловга улоқтираётган аёлларни эса оломондан ҳимоя қилиш мақсадида кўп сонли милиция ходимлари тўпланиб, аёлларни майдонга киришда ҳам, чиқишда ҳам кўриқлаб турдилар.

Ушбу воқеалардан кейин жамиятда турли норозиликлар авж олди, кўплаб оилаларда низо, одамларда эса норозилик кайфияти кучайди. Буни икки

йил давомида паранжисини ташлаган 2,5 минг атрофидаги аёлларнинг ўз яқинлари томонидан ўлдирилганида ҳам кўриш мумкин.

Шу ўринда «Хужум» ҳаракатининг илк қурбонлари Сурмахон Шерматова ва ёш актриса Нурхон Йўлдошхўжаевалар бўлганини таъкидлаш мумкин.

Паранжи ташлаган аёлларнинг кўпчилиги эса ўз ота-онаси томонидан оқ қилинди. Қанчадан-қанча оилалар бузилди. «Хужум»чи аёллардан яқин қариндошлар, маҳалла аҳли ҳам юз ўгирди. Аксарият ҳолларда паранжи ташлаган аёллардан паранжи ташлашни хоҳламаган аёллар юз ўгирганини ҳам айтиш жоиз. Энг оғриқлиси, паранжисидан воз кечган аёллар ор-номусидан воз кечганлар сифатида баҳолана бошланди.

«Хужум» ҳаракати бошланган кезларда коммунистлар жамиятининг энг олди аёлларидан фойдаланганларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Масалан, Қирғизистонда коммунистлар тузум Чингиз Айтматовнинг онаси Наима Айтматова хизматидан фойдаланди. Н.Айтматова ўша пайтда турли лавозимларда ишлаш билан бирга паранжи ташлаш тадбирларининг энг фаол тарғиботчисига айлантирилди.

Ўзбекистонда эса Тожихон Шодиева исмли аёл паранжи ташлаш тадбирларининг энг фаоли бўлди.


Шу тариқа паранжи ташлаш тадбирлари Марказий Осиёда 1940 йилгача, ҳатто марказлардан узоқ ҳудудларда 1950 йилгача давом этди. Айрим манбаларда қайд этилишича, собиқ иттифоқда паранжининг йўқ бўлиши Иккинчи жаҳон уруши бошланган даврга тўғри келган бўлса, бутунлай йўқолиши 1950 йилларга тўғри келди.

Паранжи ташлаш, бир тарафдан, аёлларнинг жамиятдаги фаоллигининг ошишига олиб келган бўлса, иккинчидан, уларнинг арзон ишчи кучи сифатида эксплуатация қилинишига имконият яратди. Яъни, паранжи ташлашни натижасида мамлакат миллионлаб аёллардан иборат ишчи кучига эга бўлди.

Улардан унумли фойдаланиш учун эса махсус артеллар, фабрикалар ташкил этила бошланди. Шу тариқа аёлларни эркаклар билан тенглаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган коммунистлар тузум ўз ниятига етди.

«Хужум» ҳаракати янги ҳаёт тарзи ташвиқотчисига айланганини ҳам унутмаслик керак.

Бу йўлда «дин афюлиги», «дин бойлар томонидан камбағалларни,



эркаклар томонидан аёлларни эзिश учун ўйлаб топилган восита» экани одамлар онгига сингдирилди.

Бу йўлда шоир-ёзувчилар, драматург, кўшиқчилар хизматидан ҳам фойдаланилди. Уларнинг аксарияти аёлларнинг паранжи ташлашдан олдинги ҳаётини «қора зулмат», паранжи ташлагандан кейинги ҳаётини эса «бахтли ва саодатли ҳаёт» деб асарлар ёздилар. Бундай шеър ва кўшиқлар, пьесаларда «аёлларга бахтни фақат коммунистлар партия бера олиши» тарғиб қилинди. Ҳатто бу йўлда «ота-онанг хатти-ҳаракатингга қаршими, ҳеч ўйламасдан улардан воз кеч. Партия сенга ҳам оталик, ҳам оналик қила олади» деган шiorлар илгари сурилди.

Бир қарашда «Хужум» ҳаракати сабаб Марказий Осиёда ўқимишли аёллар кўпайгандек туюлиши мумкин. Аммо кўпчилик динни қораламай, бундай ҳаракатларсиз ҳам аёлларни ўқимишли қилиш мумкин эди, деб ҳисоблайди. Аммо нима бўлганда ҳам коммунистлар ҳужумрон бўлган собиқ Совет Иттифоқи аёсиз кураш йўлидан борди ва бу йўлда оғир асоратларни ҳам қолдирди.

Айримларнинг фикрича, «агар ўшанда «Хужум» ҳаракати амалга оширилмаса бугунгача ҳам Ўзбекистон аёллари паранжи остида, зулматда қолиб кетар эди» дейди.

Бошқа бир кишилар эса, «Хужум» ҳаракати ёки паранжи ташлаш ҳаракатлари мажбурий ўтказилмаган тақдирда ҳам маълум бир давр ўтиб опа-сингилларимиз бугун мусулмон дунёсидаги аёллар каби ҳаёт тарзларини, хусусан, кийимга бўлган муносабатларини ўзгартирар эдилар», деб ҳисоблайдилар.

Яъни, «Хужум» кимлардир томонидан ҳар қанча оқланмасин, у оилаларнинг бузилиши, аёлларнинг ўлдирилиши сингари жиноятларга йўл очган кампаниявозлик сифатида ҳам тарихга кирди.


Тўғри, бугунги кунда ҳам ўзбек, тожик, қирғиз ёки қозоқ жамиятида аёллар либоси билан боғлиқ баҳслар давом этмоқда. Кимдир миллий ва диний қадриятларни сақлаш керак деса, яна кимдир уларни эскилик сарқити деб баҳолайди.

Бу эса советларнинг «Хужум» кампанияси Марказий Осиё аёлларини паранжидан қутқариш бўлмасида уларни ҳалигача ҳал бўлмаган келажакдаги ижтимоий муаммоларга ҳам гирифтор этиб кетганини кўрсатади.

daryo.uzdan
қисқартириб олинди.

✓ Жаноби депутатлар, кучингизни кўрсатадиган пайт келди!

ЭС-ҲУШИНГИЗ ЖОЙИДАМИ?



Соҳибжон АЛИЖОНОВ,
журналист

Кеча асабларим чидолмаганидан ФБдаги бир гуруҳдан чиқиб кетдим. Сабаби – гуруҳдаги бир «доно» «Урушда Германия ғалаба қозонганида Ўзбекистон нима ютган бўларди?», деган мазмунда хабар қўйибди. Изоҳларда асосан ушбу саволнинг ўзи бемаънилик экани ёзилган бўлса-да, афсуски, Ўзбекистонда «олам гулистон» бўларди, дея фикр билдирганлар ҳам анчагина экан (агар буни фикр деб бўлса). Ҳатто, битта фаросати «говлаган», ҳаммамиз ҳозир «БМВ», «Ауди», «Мерседес» ҳайдаб юрган бўлардик, деб ёзибди.

Астафуруллоҳ! Бу нима дегани энди?! Фашизм қандай жирканч, ёвуз гоё эканидан зиғирдақина хабарлари борми, бу қорин бандаларининг?!

Сезаётган бўлсангиз кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда ана шундай тутуриқсиз гап-сўзлар кўпайиб қолди. Айниқса, бундай фикрлар ҳар йили 9 май арафасида авж олади. Лекин бу галгиси ҳаммасидан ошиб тушди.

Изоҳ қолдирганларларнинг кўпи, Германия собиқ иттифоқдан яхшироқ бўларди, деган гапниям дастак қилишибди. Майли. Буни ҳақ дейлик. Лекин, бу гапни гапирётганлар Германия билан фашизмнинг фарқига борадиларми ўзи йўқми?

Фашистларнинг нияти жуҳудлару коммунистларга қўшиб, бутун-бутун халқларни, миллатларни қириб ташлаш, жуда мурувват кўрсатса, қул қилиш бўлгани ҳеч кимга сир эмаску! Фашистлар келса яхши бўларди, де-

яётганлар Гитлер байроқ қилиб олган «Тоза ирқ» назарияси ҳақида бирон нима билармикинлар? Уша «буюк гоё» тушунарилоқ бўлиши учун уни эринмасдан, таржима қилдим:

«Ирқ тозаллиги ирқий норасолигини рўқач қилиб, бошқа одамларни эзиш ёки қириб ташлаш. Бундай тадбирларни нацистлар (фашист миллатчилари) Германия ва босиб олинган бошқа мамлакатларда амалга оширишди.

«Ирқ тозаллиги» атамасини немис психиатри Альфред Плетц жорий қилган бўлиб, у бундан «насл қолдириш немисларнинг ирқий софлигини яхшилашга олиб келиши керак», деган назариясида фойдаланган. Унинг фикрига кўра, инсоният икки тоифага, яъни «олий» ва «тубан» ирққа ажратилиши, биринчи тоифа сунъий равишда қўллаб-қувватланиши ва аксинча, иккинчи тоифанинг насл қолдиришига барҳам берилиши керак бўлган. Кейинроқ нацистлар тузуми нацистлар давлатини қуришни «биологик асослаб бериш»даги ёрдами учун Плетцга миннатдорлик билдирганлар.

Ана шунақа гаплар. Ишонмаганлар Википедияга кириб, «Расовая гигиена»ни қидирсалар, ҳаммаси чиқиб келади. Демак, бу дунё тан олган ҳақиқат, тарихнинг ўзгармас ҳукми.

Шу ўринда яна бир маълумот: фашистлар 1940–1945 йиллар оралиғида Германиянинг ўзида миллионлаб одамларни, шу жумладан, жисмоний ёки руҳий нуқсонли бор немисларни



ҳам ирқни «тозалаш» мақсадида қириб ташлашган.

Ана энди ўйлаб кўринг: телба гоёлари йўлида ўзиникиларниям аямаган Гитлер ва гитлерваччалар ўзбекка «Мерс» миндириб қўярди, дейиш калтабинлик, алаҳсираш эмасми?!

Ёки буларнинг тағида бошқа бир гап бору, улар ўзини жинниликка солиб, зимдан иш кўришяптими? Чунки кейинги пайтда ер юзининг гоҳ у, гоҳ бу бурчида, ҳатто урушдан энг кўп жабр кўрган Россияда ҳам фашизм ва фашистларнинг қилмишларини оқлашга уринаётган касларнинг овози кўтарилиб қолди. Бизда ҳам шундек гапларни ҳозирча эҳтиёткорлик билан, эрта бир кун келиб эса баралла айтишни кўзлаб турган, балки уюштираётганларнинг турқи тароватидан ўша скинхед-тақирбошларнинг хиди келмаяптими?

Нима бўлгандаям, шунақа аҳмоқона пост қўйган ва унга боя-гидай изоҳ ёзганларга айтмоқчи бўлганим: бу қилингиз дунёни сизу бизга ўхшаганлардан «тозаламоқчи» бўлганларга қарши урушда ҳалок бўлган ота-буваларимизнинг руҳига ёки урушдан қайтган бўлсаям бугунга келиб, санокли қолган кексаларнинг юзига тупуриш билан баб-баравар-ку! Ҳеч бўлмаса, Худодан, арвоҳ уришидан кўрқинг!

P.S. Асли бу гапларни ёзмаслигим керак эди. Лекин... тўғриси, чидолмадим. Менга қолса, шунақа валдирайдиганларнинг тилини тийиб қўярдим. Аммо қонун бўли бўлсан, Чунки кўп давлатлар шундай қилишган, ҳатто ўша Германияда ҳам фашизмни тарғиб қилганлик учун уч йилгача қамоқ жазоси бор.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар нафақат юрдошларимиз, балки хорижликларнинг ҳам эътиборини тортмоқда. Бу борада кўплаб муносабатлар билдирилаётгани, хорижий оммавий ахборот воситаларида материаллар тақдим этилаётгани эътиборга молик.

Мисрнинг етакчи матбаа нашрларидан бири – “Ал-Хабар ал-Йаум” газетаси саҳифасида чоп этилган мақолалардан бирида Президент Шавкат Мирзиёевнинг соғлиқни сақлаш тизimini ривожлантириш ва тиббиёт ходимлари салоҳиятини оширишга доир фармони хусусида тўхталиб ўтилган.

Мақолада мазкур ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистонда аҳолига янада сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш қамровини кенгайтириш мақсадида кўшимча 20 мингга ўрта тиббиёт ходими ўрни ажратилиши, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва етакчи хорижий экспертлар билан ҳамкорликда тиббиёт ўқув дастурларини такомиллаштириш, шифохоналарнинг дори воситалари, реактивлар ва замонавий ускуналар билан таъминланиши учун кўшимча маблағлар ажратилиши юқори баҳоланган. Бундай чоралар натижасида мамлакатда аҳоли саломатлигини сақлаш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилишига ишонч билдирилган.

Ушбу нашрнинг яна бир сонида эълон қилинган “Аждодлар қаҳрамонлиги Ўзбекистон рассомлари нигоҳида” сарлавҳали мақолада эса Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизм устидан ғалаба қозонилишида иштирок этган юрдошларимизга бағишланган “Ёш мусаввир шижодкорлар кўрик-танлови” тафсилотлари атрофида қаламга олинган. Мақолада “Ушбу тадбирнинг ёшларда тинчлик ва фаровонлик сингари неъматнинг қадрига етиш ва уни янада мустаҳкамлаш, уларни ватанпарварлик, юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссида тарбиялашга хизмат қилиши” алоҳида қайд этилган.

Шу билан бирга, Мисрнинг шу ва бошқа нашрлари саҳифаларида Қорақалпоғистонни ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар, ўзбек халқининг бой ва бетакрор маданияти ҳамда кўҳна тарихига доир қатор мақолалар ҳам берилган. Бу каби ҳавола қилинган мақолалар Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланишлар, кенг кўламли ислохотлар дунё ҳамжамиятининг, хориж матбуоти вакиллариининг эътиборини тортаётганидан дарак беради.

Муҳтарама Комилова, ЎЗА



ОЙНИНГ ЎН БЕШИ ҚОРОНҒУ

«Умрини ошиқ ҳамиша
Ўтказур оруз билан,
Ойнинг ўн беши қоронғу,
Ўн беши ёғду билан.

Севгида кўксингга томган
Кўз ёшиндан фойда йўқ,
Ишқ ахир шундай оловки,
Ўчмагай у сув билан.

Заҳмати ишқ дард эрурса,
Заҳмати шеърдур даво,
Чунки оғунинг шифоси,
Дейдилар, оғу билан.

Барча заҳмат менга бўлсин,
Майли, доим мен яшай
Бу ажиб тотли азобу
Бу ширин қайғу билан.

Ёшлигим — умрим наҳори,
Ишқу шеърсиз не ҳаёт?
Тонгни ёлғиз гафлат аҳли
Ўтказур уйқу билан.

Ёрни мен жоним деб айтсам,
Илтифот деб ўйлама,
У яшар менсиз ва лексин
Мен тирикман у билан.

КАМТАРЛИК ҲАҚИДА

Гарчи шунча мағрур турса ҳам,
Пиллага эгилар чойнак.
Шундай экан, манманлик нечун,
Кибру ҳаво нимага керак?

Камтарин бўл, ҳатто бир қадам
Ўтма гурур остонасидан.
Пилгани инсон шунинг-чун
Ўпар доим пешонасидан.

СЕВГИ

Ўн саккизга қирмаган ким бор,
Боғиндан гул термаган ким бор.
Сен ҳақингда ёзиб тўрт сап,
Сирдошига аста кўрсатиб,
Қўшни қизга бермаган ким бор.

Дастлаб ҳар ким қалам олган он
Ёниб сени куйлар бегумон.
Маскан қуриб ҳар бир кўнгилдан,
Ошиқларни қолдириб тилдан,
Шоирларни қилурсан бийрон.

Тушдим чоғи мен ҳам дамнингга,
Эзгу ҳислар бахш этдинг менга,
Ҳаётимга зар лаъҳа бўлдинг,
Илк шеъримга сарлавҳа бўлдинг,
Хайлларим улфатдир сенга.

Юрагимда ҳис этдим қанот,
Тилсим каби очилур ҳаёт.
Висолдаги дамларим ширин,
Ҳижрондаги ғамларим ширин,
Қулиб боқар менга коинот...

Ўн саккизга қирмаган ким бор,
Боғиндан гул термаган ким бор...

Қуллуқ қил демасман.
Юрт тупроғин ўп,
Унга қулар эмас, фидолар керак.
Унинг сени мендек шоирлари кўп,
Буюк элга энди даҳолар керак.

Қаддингни баланд тут,
Бўлма сертаъзим,
Чўққи бўлолмасанг, маҳкам қоя бўл.
Пиллапоя бўлдим сенга, азизим,
Сен ҳам гал келганда пиллапоя бўл.

БИР ТОМЧИ ЁШ

Чўққидан бир кичик тош юмаласа,
Тоғни қулатгудек сурон қилади.
Кўзиндан бир томчи ёш юмаласа,
Тоғдай юрагимни вайрон қилади.

Агар кўксим узра қуласа бирдан,
Тутмоққа қодирман тоғлар тошини.
Ҳайҳот, кўтаролман китриқларингдан
Узилган бир қатра қайғу ёшини...

Дин ва дунё

XVIII асрдаги Куръон мўъжизаси



Сиз кўриб турган, «The Fortunate Slave» («Омадли кул») деб номланган мазкур портрет оддий сурат эмас. Унда акс этган Айюб Сулаймон Диалло 1701 йилда Сенегалда, тақводор оилада туғилган. Айюбдаги фавқуллода истеъдод эрта назарга тушди: у болалигиданоқ Куръони каримни тўлиқ ёд олди. Исломий фикҳнинг асосий мактабларидан бўлган Малики мазҳабдан воқиф бўлди.

Айюб Сулаймон навқирон ёшида африкалик кул савдогарлари қўлига тушиб, 1731 йилда Америкага сотиб юборилади. Мэриленд штатидаги тамаки плантацияларига эгалик қилувчи хонадонда кулликка мажбурланган Айюб машаққатларга қарамасдан кундалик ибодат ва исломий амаллардан воз кечмади. Хонадон эгалари уни таҳқирлашар, намоз маҳали унга ахлат отишар эди. Унинг қочишга уринишлари бесамар кетди. Бир гал уни қамоққа ташлашди.

Айюб Сулаймон қамоқхонада Томас Блуэт исмли инглиз ҳуқуқшуноси билан учрашади. Ёш африкаликнинг тақводорлиги, саводи ҳамда ақл-заковати, эътиқодига садоқати Блуэтни бағоятда таъсирлантиради. 1733 йилда Англияга етиб келган Айюб инглиз киборлари каби тантанали кутиб олинади. Гарчи, қораларга маҳаллий аҳоли билан сўзлашиш тақиқланган бўлса ҳам, Айюб бундан мустасно эди. Африкаликларга паст назарда қараш, уларни ақлан қолақ деб ҳисоблаш бу ерда оддий ҳақиқат бўлган. Айюб Сулаймоннинг насроний ва яҳудий руҳонийлари билан баҳслари тез орада Лондоннинг энг қизиқ томошаларидан бирига айланади.

Айюб Сулаймон нутқларида барча инсон-

лар тенг қилиб яратилгани, эътиқоднинг замири инсонийлик, адолат жамиятининг бош эҳтиёжи эканига ургу қаратади. Ёш мусулмоннинг диний билимлари, тақвоси ҳамда илгари сураётган далиллари илмий давраларда ҳурмат қозонади. Бундан таъсирланган Жеймс Эдвард Жоржияда бир муддат кулликни тақиқлаб ҳам қўяди.

Айюб Сулаймоннинг таниқли сурати 1734 йилда – она юртига қайтиш олдидан рассом Уильям Хоар томонидан чизилган. Портрет ёруғлик ва сояларнинг маҳорат билан тасвирланиши эвазига жонлиқ тек олган. Бироқ, суратнинг ўзига хослиги бу эмас.

Ун саккизинчи асрда африкаликлар иштирокида ишланган суратларга эътибор қилсангиз, кифоаларнинг нотабий, жиркантирадиган қилиб ёки қораларнинг оқ танлиларнинг фониде тасвирланганига гувоҳ бўласиз. Ирқий нотенглик ва камситишига санъатда ҳам йўл қўйилгани – ҳақиқат.

Айюб Сулаймоннинг суратига боқинг: салобати ва нигоҳидаги ишонч ҳар қандай инглиз киборини доғда қолдиради. Унинг қалбидаги эътиқод суратда намоён бўлган. Мазкур портрет африкалик мусулмон, собиқ кул инглиз киборлари каби акс эттирилган илк санъат асаридир. Бу ўзига хослик Айюб Сулаймоннинг қад-қоматини

таъсирлантиради. 1733 йилда Англияга етиб келган Айюб инглиз киборлари каби тантанали кутиб олинади. Гарчи, қораларга маҳаллий аҳоли билан сўзлашиш тақиқланган бўлса ҳам, Айюб бундан мустасно эди. Африкаликларга паст назарда қараш, уларни ақлан қолақ деб ҳисоблаш бу ерда оддий ҳақиқат бўлган. Айюб Сулаймоннинг насроний ва яҳудий руҳонийлари билан баҳслари тез орада Лондоннинг энг қизиқ томошаларидан бирига айланади.

Айюб Сулаймон нутқларида барча инсон-

лар тенг қилиб яратилгани, эътиқоднинг замири инсонийлик, адолат жамиятининг бош эҳтиёжи эканига ургу қаратади. Ёш мусулмоннинг диний билимлари, тақвоси ҳамда илгари сураётган далиллари илмий давраларда ҳурмат қозонади. Бундан таъсирланган Жеймс Эдвард Жоржияда бир муддат кулликни тақиқлаб ҳам қўяди.

Айюб Сулаймоннинг таниқли сурати 1734 йилда – она юртига қайтиш олдидан рассом Уильям Хоар томонидан чизилган. Портрет ёруғлик ва сояларнинг маҳорат билан тасвирланиши эвазига жонлиқ тек олган. Бироқ, суратнинг ўзига хослиги бу эмас.

Ун саккизинчи асрда африкаликлар иштирокида ишланган суратларга эътибор қилсангиз, кифоаларнинг нотабий, жиркантирадиган қилиб ёки қораларнинг оқ танлиларнинг фониде тасвирланганига гувоҳ бўласиз. Ирқий нотенглик ва камситишига санъатда ҳам йўл қўйилгани – ҳақиқат.

Айюб Сулаймоннинг суратига боқинг: салобати ва нигоҳидаги ишонч ҳар қандай инглиз киборини доғда қолдиради. Унинг қалбидаги эътиқод суратда намоён бўлган. Мазкур портрет африкалик мусулмон, собиқ кул инглиз киборлари каби акс эттирилган илк санъат асаридир. Бу ўзига хослик Айюб Сулаймоннинг қад-қоматини

таъсирлантиради.

Айюб Сулаймоннинг таниқли сурати 1734 йилда – она юртига қайтиш олдидан рассом Уильям Хоар томонидан чизилган. Портрет ёруғлик ва сояларнинг маҳорат билан тасвирланиши эвазига жонлиқ тек олган. Бироқ, суратнинг ўзига хослиги бу эмас.

Ун саккизинчи асрда африкаликлар иштирокида ишланган суратларга эътибор қилсангиз, кифоаларнинг нотабий, жиркантирадиган қилиб ёки қораларнинг оқ танлиларнинг фониде тасвирланганига гувоҳ бўласиз. Ирқий нотенглик ва камситишига санъатда ҳам йўл қўйилгани – ҳақиқат.

Айюб Сулаймоннинг суратига боқинг: салобати ва нигоҳидаги ишонч ҳар қандай инглиз киборини доғда қолдиради. Унинг қалбидаги эътиқод суратда намоён бўлган. Мазкур портрет африкалик мусулмон, собиқ кул инглиз киборлари каби акс эттирилган илк санъат асаридир. Бу ўзига хослик Айюб Сулаймоннинг қад-қоматини

таъсирлантиради.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,

Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ, Амридин БЕРДИМУРОДОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Минҳожиддин МИРЗО, Нодир МУХТОРОВ, Отабек ЖИЯНБОЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортиқали ҚОЗОКОВ, Феруза МУҲАМЕДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖАЕВ, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.

Бош муҳаррир:

Миродил АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИРИЯТ

МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доний эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

Навбатчи муҳаррир:

Равшан МАҲМУДОВ
Навбатчи:
Вилоятхон ШОДИЕВА
Дизайн:
Маъмуржон ҚУДРАТОВ

Электрон почта:

mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқалади.

Адали – 2705.

Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.
Қоғоз бичими: 350x587. Ҳажми: 4 босма табоқ
Буюртма – 516
Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди 2:50

ISSN 2010-7714